

---

Аҳолини рўйхатга олиш марказлаштирилган ҳолда амалга оширилади

Мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш, аҳоли тўғрисида тўла ва ишончли маълумотга эга бўлиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг 2020-йил 16-мартдаги “Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида”ги ЎРҚ- 611-сонли қонуни қабул қилинди. Мазкур қонунга асосан аҳолини рўйхатга олиш жараёни даврийлик-аҳолини рўйхатга олиш ўн йилда камида бир марта ўтказилиши, умумийлик ва бир пайтдалик-аҳолини рўйхатга олишнинг ягона белгиланган санасида шахсга доир маълумотларни барча респондентлардан йиғиш Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ёки унинг муайян ҳудудларида бир пайтнинг ўзида амалга оширилади, рўйхатга олишнинг яқка тартибдалиги-шахсга доир маълумотлар йиғилаётганда рўйхатга олиш варағи ҳар бир респондент учун яқка тартибда тўлдирилади, шахсга доир маълумотларнинг махфийлиги-аҳолини рўйхатга олишнинг шахсга доир маълумотлари махфий бўлиб, респондентнинг розилигисиз ошкор этилмайди ва тарқатилмайди, аҳолини рўйхатга олишни бошқаришнинг марказлаштирилганлиги-Ўзбекистон Республикаси бўйича аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш, аҳолини рўйхатга олишни ягона бошқарув тизимини яратиш асосида марказлаштирилган ҳолда амалга оширилиши каби тамойилларига таянади. Бундан ташқари мазкур қонуннинг 3-моддасига асосан,

**аҳолини рўйхатга олиш**—Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ёки унинг муайян ҳудудларида ўтказиладиган, белгиланган санада аҳолининг демографик ва ижтимоий-иқтисодий тавсифларини белгиловчи шахсга доир маълумотларни йиғиш ҳамда уларга ишлов бериш даврий жараёни,

**аҳолини рўйхатга олиш санаси**—аҳоли тўғрисидаги маълумотларни йиғиш ва ҳисобга олиш амалга ошириладиган аниқ пайт (йил, ой, кун ва соат),

**респондентлар** — аҳолини рўйхатга олиш санасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи, лекин аҳолини рўйхатга олиш санасида унинг ҳудудидан ташқарида бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари,

**рўйхатга олиш варағи** — кўрсатилган саволлар бўйича шахсга доир маълумотларни ёзиб олиш учун белгиланган шаклдаги бланка,

**рўйхатга олиш ҳужжатлари** — аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнига тааллуқли ҳужжатлар мажмуи,

**рўйхатга оловчи ходимлар** — Ўзбекистон Республикасининг аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўришга ва уни ўтказишга жалб этилган, махсус ўқувдан ўтган вояга етган фуқаролари,

**уй хўжалиги** — битта турар жойда ёки унинг бир қисмида биргаликда яшайдиган, ўзини яшаш учун барча зарур нарсалар билан таъминлайдиган, умумий хўжалик юритадиган, пул маблағларини тўлиқ ёки қисман бирлаштирадиган ва сарфлайдиган шахслар йиғиндиси. Бу шахслар қариндошлик муносабатларида бўлиши ёки бўлмаслиги мумкин. Уй хўжалиги битта шахсдан иборат бўлиши мумкин каби асосий тушунчалардан иборатдир.

---

2022-08-05 19:47:04

**Ўзбекистон тумани рўйхатга олиш бўлими бошлиғи**